

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»
2012 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРДАГИ 278-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА
ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» 2016
ЙИЛ 13 МАЙДАГИ ПФ-4797-СОН ФАРМОНИ)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон **Фармонига** мувофиқ ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон **қарорига** иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 июль,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июлдаги 244-сон **қарорига**
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

а) 1-банднинг **учинчи хатбошидаги** «15» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин.

б) **1-иловада:**


«Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлими «Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари» устунининг 6-позициясидаги «ўзбек тили ва адабиёти» сўзлари чиқариб ташлансин;
қуйидаги мазмундаги 16-позиция қўшилсин:

« 16.	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	Ўзбек тили филологияси Ўзбек тили ва адабиёти Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	».
-------	--	--	--------------------------------------	----

хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази		
--	--	--

в) 2-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



* Ўзбекистон миллий университети маркази педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тармоқ ва минтақавий йўналишлар бўйича фаолият кўрсатади».

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 374-модда)